

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

448 Географик объектларнинг номлари тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2011 йил 4 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2011 йил 26 августда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади географик объектларнинг номлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган географик объектлар номларининг улардан Ўзбекистон Республикасида фойдаланишга доир қисмига ҳам татбиқ этилади.

2-модда. Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

географик объектлар — Ернинг ҳозирда ёки ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда муайян ўрнашган жойи билан тавсифланадиган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган яхлит ва нисбатан барқарор ҳосилалари. Улар жумласига: маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар); аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар); транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари (темир йўл

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2011 йил 13 октябрда эълон қилинган.

станциялари, автостанциялар, метрополитен станциялари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, кўприклар, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар); табиий объектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, ғорлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилмалар конлари) ва бошқа шу каби объектлар кирази;

географик объектларнинг номлари — географик объектларнинг уларни фарқлаш ва аниқлаш учун фойдаланиладиган ўз номлари;

географик объектнинг номини белгилаш — янада нормаллаштириш мақсадида географик объектнинг номини аниқлаш;

географик объектнинг номини нормаллаштириш — географик объектнинг энг кўп фойдаланиладиган ва энг мақбул номини танлаш, ушбу ном ёзиладиган шаклини белгилаш ҳамда тасдиқлаш;

географик объектнинг номини ўзгартириш — географик объектнинг ҳозирги номини ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда ўзгартириш;

географик объектларнинг номлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Ер-геодезкадастр давлат қўмитаси);

географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизаси — географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер-геодезкадастр давлат қўмитаси томонидан ўтказиладиган топонимик, этнографик, лингвистик, картографик ва бошқа тадқиқотлар мажмуи.

4-модда. Географик объектларнинг номларига доир талаблар

Географик объектга берилаётган ном:

географик объектга энг хос бўлган белгиларни акс эттириши;

мазкур географик объект жойлашган ердаги географик объектлар номларининг мавжуд тизимига мос тушиши;

маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиши;

қоида тариқасида, кўпи билан учта сўздан иборат бўлиши;

ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига одамларнинг исми-шарифини беришга, шунингдек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Кўчалар, шохкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига айрим одамлар, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исми-шарифини беришга, қоида тариқасида, йўл

қўйилмайди, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно.

Ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкил этилаётган географик объектларга уларни ташкил этиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар билан ушбу Қонун талабларига мувофиқ ном берилади.

Маъмурий-худудий бирликларнинг номлари, қоида тариқасида, уларнинг маъмурий марказлари номидан, ушбу маъмурий-худудий бирликлар жойлашган ҳудуд қисмининг географик ёки тарихий номидан ҳосил бўлиши лозим.

Транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларининг, шу жумладан аэропортлар, вокзаллар, портлар, пристанлар, разъездлар, темир йўл станцияларининг ва бошқа объектларнинг номлари, қоида тариқасида, уларнинг ёнида жойлашган аҳоли пунктларининг ёки улар таркибий қисмларининг, бошқа географик объектларнинг номларидан ҳосил бўлиши керак.

Қуйидагиларга айнан бир хил ном берилишига йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикаси доирасидаги вилоятлар, туманлар, шаҳарларга;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар доирасидаги шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларга;

бир туман, шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги бир нечта турдош географик объектларга.

5-модда. Географик объектларнинг номларини ўзгартиришга доир талаблар

Географик объектларнинг номларини ўзгартиришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

географик объектнинг белгиланган мақсади жиддий тарзда ўзгарганда;

айрим географик объектларнинг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда;

агар географик объект географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган қисқартма сўз, рақам ёки сўз бирикмаси билан белгиланган бўлса;

географик объектларга ушбу Қонун 4-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган шахслар исми-шарифини бериш зарур бўлганда;

географик объектларнинг ушбу Қонун 4-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган бир хил номлари мавжуд бўлганда.

6-модда. Географик объектларнинг номларини белгилаш

Географик объектларнинг номлари ҳудудни картография қилиш, топонимик тадқиқотлар ўтказиш вақтида, шунингдек географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрланаётганда:

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳужжатлари;

расмий картографик ҳамда маълумотнома нашрларининг, статистик, архивга оид, тарихий ва бошқа манбаларнинг маълумотлари;

маҳаллий аҳоли, шунингдек ўлкашунослар, географлар, тарихчилар ва бошқа мутахассислар ўртасида сўровлар ўтказиш асосида белгиланади.

Географик объектларнинг номларини белгилашда:

маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади;

географик объектлар номларининг янглишишга олиб келувчи ўхшашлиги, ушбу номларнинг ҳурматсизлик мазмунида бўлиши, Ўзбекистон халқининг тарихи, анъаналари ва маданияти билан номувофиқлиги истисно этилади.

2-боб. Давлат органларининг географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга доир ваколатлари ҳамда вазифалари

7-модда. Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари илтимосномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси киритган таклифга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга оширилади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссия (бундан буён матнда республика комиссияси деб юритилади) тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан бирга хулоса олиш учун республика комиссиясига юборади.

Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назаридан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига топширади. Республика комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика комиссия-

сининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда, географик объектларга ном бериш ёки уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталари кўриб чиқиши учун киритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифларини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

8-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва улар номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси (бундан буён матнда Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси деб юритилади) тузилади.

Туман, шаҳар ҳокими маҳаллий аҳоли, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан бирга хулоса олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси комиссиясига юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назаридан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига топширади. Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса географик объектга ном бериш ва унинг номини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритган туман, шаҳар ҳокимига юборилади.

Туман, шаҳар ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси комиссиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси кўриб чиқиши учун киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси туман, шаҳар ҳокимининг таклифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

9-модда. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар ҳокимларининг таклифига кўра халқ депутатлари вилоятлар Кенгашилари томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун вилоятлар ҳокимлари томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича вилоятлар комиссиялари (бундан буён матнда вилоят комиссияси деб юритилади) тuzилади.

Туман ҳокими маҳаллий аҳоли, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан бирга хулоса олиш учун вилоят комиссиясига юборади.

Вилоят комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодезакадастр давлат қўмитасига топширади. Вилоят комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса географик объектга ном бериш ва унинг номини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритган туман ҳокимига юборилади.

Туман ҳокими вилоят комиссиясининг хулосасига мувофиқ географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни халқ депутатлари вилоят Кенгаши кўриб чиқиши учун киритади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши туман ҳокимининг таклифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

10-модда. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномалари асосида туманлар, шаҳар-

лар ҳокимлари киритган таклифга кўра халқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади. Шаҳарлар таркибига кирувчи туманларда таклифлар туманлар ҳокимлари томонидан халқ депутатлари шаҳарлар Кенгашларига киритилади.

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туманлар, шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда туман, шаҳар комиссияси деб юритилади) тузилади.

Туман, шаҳар ҳокими фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (махаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга таклифлар тайёрлаш учун туман, шаҳар комиссиясига юборади.

Туман, шаҳар комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига киритиш учун таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни туман, шаҳар ҳокимига юборади.

Туман, шаҳар ҳокими аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (махаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги туман, шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилган таклифларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига киритади, комиссия тайёрланган материаллар географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назаридан ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади ва тегишли ҳулоса беради.

Туман, шаҳар ҳокими тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясининг ҳулосасига мувофиқ аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (махаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклиф тайёрлайди ҳамда уни халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши кўриб чиқиши учун киритади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши туман, шаҳар ҳокимининг таклифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

11-модда. Табiiй объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Табiiй объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ҳамда уларнинг номларини ўзгартириш давлат

ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Табий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш республика комиссияси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифларини кўриб чиқиш учун қабул қилади ҳамда уларни тегишли хужжатлар билан хулоса олиш учун республика комиссиясига юборди.

Республика комиссияси тақдим этилган хужжатлар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назаридан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига топширади. Республика комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика комиссиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масаласи юзасидан тегишли қарор қабул қилади.

12-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ҳамда мероси билан боғлиқ географик объектларнинг номлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, асосиз ўзгартирилишининг олдини олиш;

географик объектларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишига ҳамда уларнинг номлари шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик;

географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш чоғида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолларини истисно этиш.

Ушбу Қонун 4-моддаси талабларининг ҳамда географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун хужжатлари бошқа қоидаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари томонидан бажарилиши устидан назоратни республика комиссияси амалга оширади.

Комиссияларнинг таркиби давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг,

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимлари, фуқаролик жамияти институтларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, шунингдек фан ва маданият арбоблари, экспертлар, мутахассислар ҳамда тегишли фаолият соҳаларида махсус билимларга эга бўлган бошқа шахслар орасидан шакллантирилади. Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг раҳбарияти томонидан бошқарилади.

Республика комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг географик объектларнинг номлари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси:

республика комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар комиссияларининг тақдимномасига кўра географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиши, ушбу масалалар бўйича тегишли хулосалар ва тавсияларни тайёрлайди ҳамда уларга юборади;

географик объектларнинг номларини нормаллаштириш ишларини амалга оширади;

Географик объектлар номларининг давлат реестрини юритади;

Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритилган географик объектларнинг номлари тўғрисидаги ахборотни юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда тақдим этади.

14-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизаси улар географик объектларнинг номларига, мазкур номлар ўзгартирилишига ҳамда белгиланишига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек географик объектларнинг номларини нормаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси томонидан ўтказилади.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизаси:

республика комиссияси томонидан — туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, табиий объектлар, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан;

Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси томонидан — Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан;

вилоятлар комиссиялари томонидан — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси давлат экспертизаси чоғида топонимик ва бошқа тадқиқотлар ўтказилишини, картографик, архивга доир, тарихий ва бошқа материаллар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектлар номларининг нормалаштирилишини амалга оширади ҳамда экспертиза яқунларига кўра географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги ёхуд мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради, ушбу хулоса тегишли комиссиялар мурожаат этган кундан эътиборан бир ой ичида уларга юборилади.

Давлат экспертизасининг хулосаси республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар комиссиялари томонидан хулосалар беришда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси давлат экспертизасини ўтказиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мутахассисларини, етакчи олимларни, фан ва маданият арбобларини, шунингдек тегишли фаолият соҳаларида махсус билимларга эга бўлган бошқа шахсларни жалб этишга ҳақли.

15-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга илова қилинадиган ҳужжатлар

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришни амалга оширувчи органларга киритиладиган географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

географик объектларга ном бериш ёки уларнинг номларини ўзгартириш зарурлигининг, мақсадга мувофиқлигининг асоси;

географик объектнинг таклиф этилаётган номи;

картография материаллари;

географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ҳамда харажатларнинг манбалари;

тегишинча республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссияларининг хулосаси;

ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисми талабларига мувофиқ ўтказилган давлат экспертизасининг хулосаси.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга географик объектларнинг ўзига хос хусусияти ҳамда белгиланган мақсади ҳисобга олинган ҳолда бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

3-боб. Географик объектларнинг номларини давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш

16-модда. Географик объектлар номларининг давлат реестри

Географик объектлар номларининг давлат реестри географик объектларнинг номларини давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадида юритиладиган, ушбу объектларнинг номларига тааллуқли бўлган маълумотларнинг тизимлаштирилган тўпламидир.

Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси географик объектларнинг номлари давлат рўйхатидан ўтказилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритган ҳолда амалга оширади.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришни амалга оширувчи органлар географик объектларга ном берилганлиги ва уларнинг номлари ўзгартирилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритиш учун ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига тақдим этиши шарт.

Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритилган географик объектларнинг номлари ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси томонидан юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда тақдим этилади.

17-модда. Географик объектларнинг номларидан фойдаланиш

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номлари:

ўз фаолиятини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан;

ўқув нашрларида, картографик, маълумотнома, энциклопедик нашрларда, эълонлар, реклама, йўл белгилари, почта жўнатмаларида фойдаланиш учун мажбурийдир.

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номларидан бошқа ҳолларда ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган географик объектлар номларининг йўл белгиларидаги, пешлавҳалар ва бошқа кўрсаткичлардаги ёзувлари давлат тилида ифодаланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси

Ергеодезкадастр давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, географик объектлар номларининг расмий каталоглари ва маълумотномаларини нашр этади.

18-модда. Географик объектларнинг номларини сақлаш

Географик объектларнинг номлари давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Географик объектлар номларининг бирини бошқасига ўзбошимчалик билан алмаштиришга, географик объектларнинг бузиб кўрсатилган номларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

19-модда. Географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат

Географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат белгиланган ваколатлар доирасида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари;

республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

20-модда. Географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни молиялаштириш

Географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

географик объектларнинг номларини белгилаш, нормаллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

географик объектлар номларининг расмий каталоглари ва маълумотномаларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш.

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Географик объектларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг таклифига кўра ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш мазкур органларнинг фаолиятини молиялаштириш назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Географик объектларга хўжалик бошқаруви органларининг таклифига кўра ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш Ўзбекистон Республи-

каси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек мазкур органлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

21-модда. Низоларни ҳал этиш

Географик объектларнинг номлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22-модда. Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

23-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

24-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 октябрь,
ЎРҚ-303-сон